

ISLAMONLINE.UZ

adabiyot



Эчкининг оти Абдикарим. Абдулла Қодирий



Кўйнинг косасини окартириш эбида, аммо эчкининг оти Абдикарим(1).

Айни чўллаган кезде бир бечора сув келтирди. Худда ичиб турган пайтда битта нахс кўвачани синдирди. Огзи кийшик бўлса ҳам бойвачча гапирсин. Янги чикган жимжималик хакикатка караганда яна ўша жанасники(2) маъкул!

Домлаларча айтсак, фалак кажрафтор(3), хакикат сўкир ва махтовлик сигирлари кисир эмиш. Зеро шу хумса фалакни уч кунгина ўзинг синаган йўргасида кўрганнинг борми? Ахташонангга кантарган аргумокиннинг тезагидан бошка нимасига эга бўлдинг? Хакикат сўкир бўлмаса нега унга битта харидор чикмабдир? Ана шу тўгриларда ҳам бир ўйлаб бок, хонавайрон!

Тузик, сен яхши ният билан тарик экасан ва устига сувлар сепасан. Натижа?

— Уйи куйсин натижанинг, боласи ўлсин, бурнига ел тушкан хакикатнинг. Кўнгил айнайдир.

Бу элнинг неси кўб? Чўталчиси ёки бўталчиси. Айтиш уят, аммо айтмаслик номус. Кўлдан бир иш келиши гумон, бироқ иштаха карнай! Дармон йўк ва лекин юракнинг кора бурчакини обод килган бир армон бор.

Нима килсин бечора?

— Туф!

Ичиб турган ошингга бир муфсид(4) томонидан шу меҳрибончилик. Товок-кошикка ит тегди. Ош ихтиёрингдан кетти.

Тошпўлад ака: «Сўзимнинг тарикча гидирини топсанг худойга сол!» деб онд ичадир.

Шунга ўхшаш сўзимдан зигирча гидир топсанг мени ҳам ўша товок-кошикка теккучининг ёнига богла!

Анови саккиз йиллик гапларни возеъи вазъ килганда(5) албатта манови кўриб турганинг писмикларни йўқотишка буюрган. Бироқ биз, микёсда пахта монополиясини юргиза бошлади. Бозорга рухсат берилди... «Харбий коммунизм»-да оч-ялангоч колган халк ўзини бироз тиклади. Ўрта хол дехконлар кўпайди.

3-боскичда эса барча ерлар ялписига коллектив хўжаликларга бирлаштирилди, оз колган катта ер эгалари, айникса энди Я.И.С. туфайли пайдо бўлган минг-минглаб ўрта хол дехконлар ишончсиз синф сифатида кулок килинди, мол-мулки мусодара килинди. Аслида узокни ўйлаб режа килинган Я.И.С.нинг мохияти ишчилар диктатурасига дехконларни иктисодий-гоявий боғлаш эди, коллективлаштириш эса кишлок хўжалигида хусусий мулкни тугатиб, давлат монополиясини ўрнатиш эди. Мана шу зўрлик билан, боскинчилик билан олиб борилаётган совет сиёсатида мулла Тошоҳунд, Сотимдов ичида норози, карши... лекин овоз чикарган хар қандай шахсга аёвсиз равишда «аксилинкилобчи» тамгаси кўйилиб турган бир паллада муаллиф — иложсиз холда худой урган томошабин бу халкни нозик бир адабий услубда танкид килиб ўтган эди.

-----

1. Ўтмишда Абдикарим исмли кассоб харидорларни алдаб эчки гўштини кўй гўштига аралаштириб сотар экан. Буни харидорлар билиб қолиб, бошка кассобдан гўшт олаётганларида «Бу Абдикаримни гўшти эмасми, эчкининг оти Абдикаримми?» деб сўрар эканлар. Жумлада муаллиф ўзбек халки рўшнолик кўриши мумкин, лекин ҳукумат тепасида ёлгончи, фирибгар Абдикаримлар ўтирибти, деб киноя килиб ўтпти.

2 Жанас — тезак

- 3 Кажрафтор — тескари, эгри юрувчи.
- 4 Муфсид — фасодчи, бузгунчи.
- 5 Возеъи вазъ килган — асосчиси асос солган.